

РЕСУРСЛАРНИНГ ЧЕКЛАНГАНЛИГИ ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”ГА ЎТИШ ЗАРУРИЯТИ

Хашимов Пазлиддин Зукурович

и.ф.н., проф.в.б.

Холмирзаева Махлиё Зарифжон кизи

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий универистети

Иқтисодиёт факультети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6819247>

Аннотация. Илмий мақолада яшил иқтисодиёт тушунчаси, ресурслар танқислиги муаммоси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) глобал муаммоларга қарашлари, яшил иқтисодиётга ўтиш зарурлигини баҳолашдаги асосий йўналишлар ёритилган. Шунингдек, мақолага Шимолий Европа минтақаси мамлакатларининг яшил ўсиш индекси бўйича рейтинги ҳам киритилган.

Калит сўзлар: яшил иқтисодиёт, яшил ўсиш индекси, ресурслар танқислиги, барқарор ривожланиш, экологиянинг бузилиши, иқтисодий имкониятлар.

ОГРАНИЧЕННОСТЬ РЕСУРСОВ И НЕОБХОДИМОСТЬ ПЕРЕХОДА К «ЗЕЛЕННОЙ ЭКОНОМИКЕ»

Аннотация. В научной статье освещаются понятие зеленой экономики, проблема нехватки ресурсов, взгляды Организации Объединенных Наций (ООН) на глобальные проблемы, основные направления в оценке необходимости перехода к зеленой экономике. Также в статью включен рейтинг стран Североевропейского региона по индексу зеленого роста.

Ключевые слова: зелёная экономика, индекс зеленого роста, дефицит ресурсов, устойчивое развитие, экологическая деградация, экономические возможности.

LIMITED RESOURCES AND THE NEED TO TRANSITION TO A "GREEN ECONOMY"

Abstract. The scientific article describes the concept of green economy, the problem of resource scarcity, the views of the United Nations (UN) on global problems, and the main directions in assessing the need to transition to a green economy. The rating of the countries of the Northern European region according to the green growth index is also included.

Key words: young economy, green growth index, resource scarcity, sustainable development, ecological degradation, economic opportunities.

КИРИШ

Сўнгги йилларда экологиянинг бузилиши (иқлим ўзгариши, чўллашиш, био хилма-хилликнинг йўқотилиши), табиий капиталнинг тугаб бораётганлиги, камбағаллик миқёсининг ортиб бориши, чучук сув, озиқ-овқат, энергиянинг етишмаслиги, одамлар ва мамлакатлар ўртасидаги тенгсизлик каби муаммолар амалдаги иқтисодий тизимнинг мукамал эмаслиги сабабларидир. Глобал инқирозларнинг барчаси иш ўринларининг қискариши, ижтимоий ҳимоясизлик ва қашшоқлик каби ҳолатлар, ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатлардаги барқарорликни издан чиқарувчи долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни янада чуқурлаштиради. Дунёнинг бугунги қиёфаси, тиклаб бўлмас экологик фалокатлар ва атроф муҳитга етказилаётган улкан

зарарлар “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурлигини тақозо этади. Агар эътибор берадиган бўлсак, жаҳондаги етакчи мамлакатлар аллақачон яшил иқтисодиётга ўтиш ишларини бошлаб юборганликларини кўришимиз мумкин. Улар яшил иқтисодиёт барқарор ривожланишининг ўрнини боса олмаслигини, балки барқарор ривожланишга эришишга хизмат қилувчи йўл эканлигини аллақачон англаб етишган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ресурслар танқислиги, экологик муаммолар ва иқтисодий хавфлар каби бугунги кун муаммолари Вахабов А.В., Хажикабиев Ш.Х., Ташматов Ш.А., М.Т.Бутабоевларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўрганилган[2]. Уларнинг илмий ишларида ва илмий адабиётларида юқорида келтирилган муаммоларни фақатгина яшил иқтисодиётга ўтиш орқали ҳал қилиш мумкинлиги қайд этилган.

“Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг назарий – амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи – олимлар William Хйнес, Шаннон Wang, Молли Scott Cato томонидан тадқиқ этилган[3] [4].

Узоқ хориж иқтисодчи олимлари, МДХ вакиллари Т.В. Захарова, Валентин Пчелинтсев, Татьяна Кругликова, Ирина Животовская, Татьяна Черноморова, Ткаченко Александр Александрович ва бошқалар, [5] яшил иқтисодиётга ўтиш зарурлиги ва бу мамлакат ривожига юқори даражада таъсир этишини таъкидлаб ўтганлар.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖА

Яшил иқтисодиёт – инсон ҳаёти ва соғлиги учун зарур бўлган ресурсларни, экологик хавфларни ва экологик танқисликни камайтиришга ва атроф-муҳитни бузмасдан иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий тизим. Яшил иқтисодиётни биз экологик иқтисодиёт билан боғласак адашмаган бўламиз, лекин у кўпроқ сиёсий жиҳатдан қўлланиладиган янги йўналиш ҳисобланади.

Ресурслар танқислиги – инсон ҳаёти давомидаги эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи ресурсларнинг етишмаслиги ресурслар танқислиги ҳодисаси деб аталади. Ресурслар танқислиги инсониятнинг азалий ва ҳали ечимини топмаган муаммоси бўлиб, инсон эҳтиёжларининг чексизлиги билан ресурсларнинг чекланганлиги ўртасидаги номуносиблик иқтисодиётнинг бош муаммоси ҳисобланади.

Саноат инқилоби юз бергандан сўнг табиий ресурсларга нисбатан берпаволик юзага келган. Сув танқислиги, ер ости ва ер усти бойликларининг камайиб бораётганлиги, озиқ-овқат танқислиги, меҳнатга яроқли аҳоли сонининг чекланган бўлиши, энергия ресурсларининг етишмаслиги ва бошқаларни бунга мисол қилиб келтиришим мумкин. Баъзи ресурсларни қайта тиклаш мумкин. Масалан, кесилган дарахтлар ўрнига қайта дарахт экиб янги боғ яратиш мумкин. Гарчи бунга йиллар кетса ҳам. Лекин фойдали қазилмалар қайта тикланмайдиган ресурслар ҳисобланади.

Кейинги 200 йил ичида Ер қуррасида истеъмолчилар сони 5 марта кўпайди, аммо ер сатҳи, табиий бойликлар кўпайгани йўқ. Иқлим ўзгаришлари ҳам кучайиб бормоқда. Ер қуррасининг 72% океанлардан иборат, қуруқликнинг эса бир қанча қисмида яшашга имконият йўқ. У каби муаммоларга барҳам бериш иқтисодий ўсишни таъминловчи стратегиялар билан бирга олиб борилиши, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва иш ўринларини яратиш каби турли ижтимоий эҳтиёжларни қондириш, шу билан бирга

атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши курашиш ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш зарурлиги яшил иқтисодиётнинг стратегик мақсадига айланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) 2008 йилда Яшил Иқтисодиёт Ташаббусини бошлади. Ушбу ташаббуснинг асосий мақсади “барқарор ривожланиш ва қашшоқликка барҳам бериш, барқарор ривожланишга эришиш” дея эътироф этилди. БМТ мутахассисларининг таъкидлашича, яшил иқтисодиётга ўтишдан кўзланган мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага “яшил инвестициялар”ни йўналтиришни рағбатлантириш ҳисобланади. Ушбу инвестициялар муҳим иқтисодий ресурслар ҳисобланган табиий капитал ва экотизимлардан самарали усуллар ёрдамида фойдаланиш ёки уларни тугаб қолиши рўй берганда бошқа муқобил ресурслар билан алмаштиришга ёрдам беради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит бўлими яшил иқтисодиётнинг амалий таърифини ишлаб чиқди, бу эса инсон фаровонлиги ва ижтимоий тенгликни яхшилаш, шу билан бирга экологик хавф ва экологик танқисликни сезиларли даражада камайтиради.

Сўнгги ўн йилликда “Яшил иқтисодиёт” концепцияси кўплаб ҳукуматлар ва ҳукуматлараро ташкилотлар учун стратегик устувор вазифа сифатида намоён бўлди. Ҳаммаси бўлиб, 65 та давлат Яшил Иқтисодиёт ва тегишли стратегияларни ишлаб чиқдилар. Улар ресурслар танқислигидан тортиб, иқлим ўзгариши ва иқтисодий ўзгарувчанликгача бўлган ХХИ асрнинг асосий муаммоларини ҳал қилишга тайёр бўладилар.

Яшил иқтисодиётга ўтиш нима учун зарур деган саволга жавоб берадиган бўлсак, Яшил иқтисодиёт ер юзидаги аҳоли учун фаровонлик олиб келади ва камбағаллик даражасини пасайтиради.

Куйидаги жадвалда Шимолий Европа минтақаси мамлакатларининг яшил ўсиш индекси бўйича рейтинги кўрсаткичлари ресурслардан самарали ва барқарор фойдаланиш, табиий капитални ҳимоя қилиш, яшил иқтисодий имкониятлар, ижтимоий интеграция каби мезонлар бўйича баҳоланган. Яшил ўсиш индекси рейтинг натижаларига кўра Швеция ва Дания энг юқори (78.72 ва 76.77) кўрсаткични қайд этган ва юқори ўринларни эгаллаган. Шунингдек, Финландия ва Норвегия мамлакатларининг яшил ўсиш индекси (74.49, 68.01) баланд ва Исландиянинг кўрсаткичи (52.23) ўртача деб баҳоланган.

1-жадвал.

Шимолий Европа минтақаси мамлакатларининг яшил ўсиш индекси бўйича рейтинги.

Yevropa davlatlari	Kategoriyalari (O'Ichamlari)				Yashil o'sish indeksi		
	Resurslardan samarali va barqaror foydalanish	Tabiiy kapitalni himoya qilish	Yashil iqtisodiy imkoniyatlar	Ijtimoiy integratsiya	Natija	Daraja	Reyting
Shvetsiya	87.78	78.14	59.53	94.06	78.72	baland	1
Daniya	86.12	73.19	59.68	92.33	76.77	baland	2
Finlandiya	78.21	71.53	60.34	91.21	74.49	baland	6
Norvegiya	76.54	72.32	41.92	92.20	68.01	baland	20
Islandiya	59.63	42.18	33.62	87.96	52.23	o'rtacha	31

Барча мамлакатларда инсон тараққиётининг юқори даражаси, хоҳ у таълим соҳаси бўлсин хоҳ соғлиқни сақлаш бўлсин, хуллас инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун нимаки зарур бўлса унга эришиш имкониятини яратишга хизмат қилади.

Яшил иқтисодиёт био хилма-хилликни тиклашга ёрдам беради, экологиядаги салбий ўзгаришларнинг олдини олишга ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ёрдам беради, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга инвестицияларни жалб қилади ва самарали фойдаланишга йўналтиради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ресурсларнинг чекланганлиги ва экологик муаммоларнинг салбий оқибатлари шароитида “Яшил иқтисодиёт”ни шакллантиришга объектив эҳтиёж пайдо бўлмоқда. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик мувозанатни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини беради. Барқарор ривожланишнинг мазмуни ҳозирги авлод ўз иқтисодий фаолиятини шундай ташкил этиши зарурки, кейинги авлодлар улардан кам бўлмаган иқтисодий имкониятлар ва турмуш фаровонлигига эга бўлишлари лозимлигида намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда турмуш фаровонлигини ошириш, ресурсларни сақлаш ва келажак авлодларни жиддий экологик хавф-хатарларга дучор қилмасликни таъминлайдиган иқтисодий моделга ўтиш зарурати ниҳоятда долзарбдир.

Биз иқтисодий фаровонликка ва келажак авлодни иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга, экологик хавфларга қўймасликка фақатгина бирдамликда эришишимиз мумкин.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “Яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–4477-сон Қарори.
2. Vaxabov A.V., Xajibakiyev Sh.X., Tashmatov Sh.A., Butaboyev M.T., Yashil iqtisodiyot. Darslik –Т.: “Universitet” 2020.
3. William Hynes, Shannon Wang. Green Growth and Developing Countries, A Summary for Policy Makers, June 2012
4. Molly Scott Cato, Green Economics, An Introduction to Theory, Policy and Practice, First published by Earthscan in the UK and USA in 2009
5. Захарова Т.В. «Зеленая» экономика как новый курс развития: глобальный и региональный аспекты. //Вестник Томского государственного университета, 2011, №4(16).
6. Устойчивое экономическое развитие в условиях глобализации и экономики знаний: концептуальные основы теории и практики управления /Под ред. В.В. Попкова. Учебник. -М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007.- 295 с.
7. zarnews.uz/uz/post/yashil iqtisodiyot
8. <https://www.ecouz.uz/icon/>